

ИҚТИСОДИЙ НОЧОРЛИКНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Абдухаликова Дилора Таваккаловна

“Аниқ фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент Кимё Халқаро Университети

diloraabdukhalikova@gmail.com

+99893-579-20-25

Аннотация. Ушбу мақолада иқтисодий ночорликка юз тутган корхоналарни соғломлаштириш, уларнинг молиявий барқарорлигини тиклаш ва банкротлик хавфини камайтиришга қаратилган йўналишлар ҳамда механизмларни такомиллаштириш масалалари ёритилган. Мақолада корхоналардаги ночорликка олиб келувчи асосий омиллар таҳлил қилиниб, халқаро тажриба асосида самарали анти-кризис бошқарув усуллари ўрганилади. Шунингдек, барқарор молиявий механизмлар, ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, қайта молиялаштириш ва реструктуризация воситалари бўйича амалий таклифлар ишлаб келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ночорлик, молиявий барқарорлик, молиялаштириш, реструктуризация, нақдлик, қарз, индекс, рақобатбардошлик.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы совершенствования механизмов и направлений, направленных на оздоровление экономически несостоятельных предприятий, восстановление их финансовой устойчивости и снижение риска банкротства. В статье анализируются основные факторы, приводящие к неплатежеспособности предприятий, и исследуются эффективные методы антикризисного управления на основе зарубежного опыта. Также были разработаны практические предложения по устойчивым финансовым механизмам, правовым и организационным мерам, развитию корпоративного управления, инструментам рефинансирования и реструктуризации.

Ключевые слова: экономическая несостоятельность, финансовая устойчивость, финансирование, реструктуризация, ликвидность, долг, индекс, конкурентоспособность.

Abstract: This article examines the improvement of mechanisms and policies aimed at rehabilitating economically insolvent enterprises, restoring their financial stability, and reducing the risk of bankruptcy. The article analyzes the main factors leading to enterprise insolvency and examines effective methods of crisis management based on international experience. Practical proposals were also developed for sustainable financial mechanisms, legal and organizational measures, development of corporate governance, and refinancing and restructuring instruments.

Keywords: *economic insolvency, financial stability, financing, restructuring, liquidity, debt, index, competitiveness.*

Ўзбекистон иқтисодиётида давлат иштирокидаги ва хусусий корхоналарнинг барқарор фаолиятини таъминлаш — иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг асосий шартларидан биридир. Аммо баъзи корхоналар молиявий ночорликка дуч келмоқда. Улар ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиши, қарздорликнинг ортиши, бошқарувдаги камчиликлар ва бозордаги рақобатга дош беролмаслик оқибатида иқтисодиётга жиддий таҳдид солади. Ўзбекистонда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришга қаратилган сиёсат йўналишлари тўғри танланган. Молиявий барқарорликни таъминлаш, тўлов қобилиятини тиклаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва иқтисодиётга қайтаришда бу сиёсат муҳим аҳамиятга эга. Лекин жараённинг муваффақиятли амалга ошиши учун ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий базани янада мустаҳкамлаш зарур. Ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши, корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ортиши, ишчи кучининг қисқариши ва маблағ оқимларининг бузилиши иқтисодиётдаги ноқулай муҳитни юзага келтиради. Бундай ҳолатларда инвестиция муҳити ёмонлашади, солиқ тушумлари пасаяди, шу билан бирга банк тизимидаги қайтмас қарзлар сони ҳам ортиши мумкин. Агар бу жараённи назорат қилиш бўлмаса, ночорлик кўплаб корхоналар фаолиятининг тўхташига, иқтисодий инқирозга олиб келиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ночор корхоналарни соғломлаштириш ва уларни қайта фаолиятга жалб этиш мақсадида қатор давлат сиёсатлари амалга оширилмоқда. Ушбу сиёсатлар қуйидаги йўналишларни қамраб олади;

1. Қонунчилик базасини такомиллаштириш, яъни 2022 йилда қабул қилинган “Банкротлик тўғрисида”ги қонун, унда санация, реструктуризация ва келишув битимлари каби ҳуқуқий инструментлар аниқ тартибга солинган.

Корхоналарни банкротликдан олдинги диагностика орқали аниқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий база жорий қилинган. Санация жараёнида давлат, кредиторлар ва қарздорлар ўртасида муносабатларни тартибга солувчи механизмлар аниқ белгиланмоқда.

2. Молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари яъни иқтисодий ночор корхоналар учун имтиёзли давлат кредитлари ва субсидиялари ажратиш, инновацион ва экспортга йўналтирилган лойиҳалар учун кафолатли молиялаштириш дастурлари, иқтисодий соғломлаштириш жамғармалари ёрдамида қайта молиялаштириш ва активларни қайта ташкил қилинмоқда.

3. Институционал чора-тадбирлари, яъни давлат активларини бошқариш агентлиги, Тараққиёт стратегияси маркази, ва саноат корхоналари иштирокидаги мониторинг гуруҳлари ташкил этилган, корхоналар учун реинжиниринг ва

бизнес маслахат хизматлари билан таъминланган, “Ягона санация реестри” ва рақамли баҳолаш платформаларини жорий этилган.

4. Ташкилий ва кадрлар салоҳиятини ошириш яъни, банкротлик ва санация соҳасида судьялар, ҳуқуқшунослар ва аудиторлар учун малака ошириш курслари ташкил этилмоқда, тадбиркорларни қайта тайёрлаш марказлари орқали бизнес-моделлари янгиланмоқда.

5. Халқаро ҳамкорлик яъни Халқаро молия институтлари (ИФС, АДБ, ЕБРД) билан санация моделларини жорий этиш ва техник ёрдам берилмоқда,

Корея, Польша ва Германия каби давлатлардан тажриба алмашиш дастурлари амалга оширилмоқда.

Ушбу сиёсатлар орқали давлат иқтисодий ночорликни камайтириш, ишлаб чиқариш фаоллигини тиклаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга интилоқда.

Ўзбекистонда сўнги йилларда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш, қайта тиклаш ва хусусийлаштиришга қаратилган кенг кўламли сиёсат ва институционал ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш буйича аниқ чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, қонунчилик асосларини мустаҳкамлашга, “Банкротлик тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунни қабул қилиш ва унинг ижросини таъминлашга, кредиторлар ва қарздорлар ўртасидаги келишув механизмларини соддалаштирувчи мърларини жорий этиш, корхоналарни санацияга тайёрлаш учун солиқ ва аудиторлик ҳисоботларини стандартлаштириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Иқтисодий ночор корхоналарига молиявий ёрдамни кенгайтириш, давлат жамғармалари орқали санация жараёнларини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилмоқда. Ночор корхоналар учун имтиёзли ссудалар ва реструктуризация механизмларини кенгайтириш, тўлов қобилияти тикланган корхоналар учун солиқ имтиёзлари жорий этиш буйича комплекс ишлар олиб борилмоқда.

Институционал қўллаб-қувватлаш жиҳатидан, корхоналарни соғломлаштириш буйича Республика Санация марказини ташкил этиш, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузурида реструктуризация мониторинги бўлими ташкил этиш масалалари куриб чиқилмоқда.

Аутсорс бизнес маслахат хизматлари ва стратегик режалаштириш марказларини йўлга қўйиш, рақамлаштириш ва мониторинг, “Ягона санация портали” орқали реал вақтда маълумотлар мониторингини амалга ошириш, КРІ ва тўлов қобилияти индекси асосида таҳлил ва рейтинг тизимини ишлаб чиқиш, судлар ва давлат органлари ўртасида электрон маълумот алмашинуви масалалари кўриб чиқилмоқда.

Кадрлар салоҳиятини ошириш нуқтаи назаридан иқтисодий судьялар, молия экспертлари ва аудит мутахассислари учун малака ошириш курслари,

тадбиркорлар ва бошқарувчилар учун бизнес реинжиниринг ва антикризис менежмент бўйича тренинглар ташкил этилмоқда.

Халқаро тажриба ва ҳамкорлик юзасидан халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда техник кўмак дастурлари, банкротлик ва санация моделлари бўйича хориж тажрибасини татбиқ қилиш масаларига эътибор қаратилган. Ушбу чора-тадбирлар орқали иқтисодий ночор корхоналарнинг соғломлашуви, қайта тикланиши ва иқтисодиётга самарали интеграциясига эришиш мумкин.

Иқтисодий ночор корхоналар тўловга қобилиятсизликнинг соғломлаштириш таомилларини ўтказиш жараёнида вужудга келган жорий солиқ тўловларини ҳисоблашни тўхтатиб туриш ва жараён муддати яқунлангандан сўнг тўлаш, қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида тижорат банклари, молия ташкилотлари ва бошқа манбаларнинг маблағларини жалб этиш ҳамда соғломлаштириш режаларида олдиндан қарздорликнинг қанча қисмини қоплашни кўзда тутиш каби тартиблари жорий этилмоқда.

Соғломлаштириш жараёни яқунланганидан сўнг, яъни корхона тўлов қобилиятини қисман ёки тўлиқ тиклаганидан кейин, ушбу муддат мобайнида ҳисобланмаган солиқ тўловлари ва давлат олдидаги мажбуриятларнинг тўлови қайта тикланади ва белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда тўлов графикларини кечиктириб бериш, имтиёзли муддатлар ёки реструктуризация усуллари ҳам қўлланилиши мумкин.

Бундан ташқари, қарздор корхонанинг тикланишини таъминлаш учун тижорат банклари, молия ташкилотлари, инвестиция фондлари ҳамда бошқа манбалар орқали молиявий ресурсларни жалб этиш имкониятлари кенгайтирилмоқда. Бунинг учун соғломлаштириш режаларида молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш механизми аниқ кўрсатилиши шарт қилиб қўйилади.

Ҳозирги иқтисодий муҳитда корхоналарнинг молиявий барқарорлиги нафақат ички ресурслар самарадорлиги, балки ташқи молия бозорлари конъюнктураси ва глобал хатарларга жавоб қайтариш қобилияти билан ҳам белгиланади. Валюта курсининг тебранишлари, инфляциянинг ўсиши ва фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар корхоналарнинг нақд пул оқимлари ҳамда қарз хизматини қоплаш имкониятига кучли таъсир кўрсатмоқда. Шу боис, молиявий менежментда ликвидлик ва қарз юқламасини комплекс баҳолайдиган ягона интеграл кўрсаткич ишлаб чиқиш зарурияти ортиб бормоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилган “Нақдлик ва Қарз хизматини қоплашнинг оптимал Индекси (NQXQOI)” корхоналарнинг пул оқимлари барқарорлигини ва қарз хизматини қоплаш имкониятини интеграл тарзда ҳисоблаб, менежмент ва инвесторлар учун стратегик қарор қабул қилишда ишончли мезон вазифасини бажаради. Бозордаги нархлар ўзгарувчанлиги, фоиз ставкалари ва валюта курсининг кескин тебранишлари корхоналарнинг молиявий барқарорлигига жиддий таъсир

этмоқда. Шу сабабдан NQXQOI индекси корхоналарга пул оқимлари ва қарз хизматини биргаликда баҳолай оладиган инновацион восита сифатида молиявий риск-менежмент амалиётига янги илмий-услугий ёндашув олиб киради. NQXQOI индекси корхонанинг ликвидлик ва қарз хизматини қоплаш имкониятини бир вақтнинг ўзида кўрсата оладиган инновацион интеграл кўрсаткич сифатида молиявий таҳлил ва риск-менежмент соҳасида янгилик ҳисобланади. Унинг амалиётга татбиқ этилиши корхоналарнинг тўловқобиллик салоҳиятини аниқ баҳолаш ва стратегик қарорларни ўз вақтида қабул қилишга хизмат қилади. Қуйидаги формулада Нақдлик ва қарз хизматини қоплашнинг оптимал Индекси ҳисобланишини кўриб ўтамыз.

$$NQXQOI(OLDSI) = \alpha \cdot QXQK + \beta \cdot NZN + \gamma \cdot \frac{EPO}{QTQ} - \delta \cdot QYuK$$

Бу ерда, NQXQOI – Нақдлик ва Қарз Хизматини Қоплашнинг Оптимал Индекси;

QXQ – Қарз хизматини қоплаш коэффиценти;

NZN – Нақдлик захира нисбати;

EPO – Эркин пул оқими;

QT – Қарз тўловлари ҳажми;

QYuK – Қарз юкламаси коэффиценти;

$\alpha, \beta, \gamma, \delta$ – тармоқ хусусиятларига қараб белгиланадиган салмоқ коэффицентлари.

Индексни баҳолаш меъёрлари қуйдагича белгиланади:

$NQXQOI \geq 1.2$ – молиявий барқарор, тўловқобиллик юқори.

$0.8 < NQXQOI < 1.2$ – ўрта хавф, қарз/инвестиция сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарур.

$NQXQOI < 0.8$ – стресс ҳолати, ликвидлик ва тўловқобиллик муаммоси мавжуд.

Корхоналарни соғломлаштириш режаларида, шунингдек, мавжуд қарздорликнинг қай даражасини ва қайси манбалар ҳисобидан қоплаш кўзда тутилаётгани, қайси қисм қарзлар учун қай тарзда қайта молиялаштириш ёки кечиктириш чоралари кўрилиши лойиҳалаштирилади. Бу орқали давлат органлари, кредиторлар ва инвесторлар учун соғломлаштириш режаси шаффоф ва амалга оширилиши мумкин бўлган шаклда тақдим этилади.

Умуман, ушбу тартиблар иқтисодий ночор корхоналарни тўғридан-тўғри банкротликдан эмас, балки реал иқтисодий қайта тикланиш механизмлари орқали соғломлаштиришга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш, иш ўринларини асраш ва солиқ базасини тиклашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари иқтисодий ночор корхоналарни барвақт аниқлаш, уларни соғломлаштириш стратегиясини шакллантириш ва миллий иқтисодиётда барқарор рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Н.Ряховская Банкротство и финансовое оздоровление субъектов экономики. М.: Юрайт, 2020. 154 с.
2. Н. Олимова, Ҳозирги шароитда корхоналарни модернизациялаш орқали уларнинг молиявий барқарорлаштириш сиёсатини мустахкамлаш истиқболлари. Евразийский журнал технологий и инноваций, 1(5 Part 2), 2023. 146–153.
3. Р.Х.Карлибаева Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари . Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) ilmiy darajasini olish uchun yozilgan автореферати.2018й.68б.